



## THE CLASSIFICATION OF SCIENCES IN AL-FARABI'S WORK "IHSA AL-'ULUM"

**T. Boygaziyev**

Senior Lecturer at Shakhrisabz State Pedagogical Institute  
Shakhrisabz, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Farabi, classification of sciences, logic, metaphysics, natural science, philosophy, "Their al ulum", Oriental thinkers.

**Received:** 13.06.25

**Accepted:** 15.06.25

**Published:** 17.06.25

**Abstract:** This article analyzes Abu Nasr Farabi's teaching on the classification of sciences. Farabi divided the sciences into theoretical and practical areas, classifying them in an orderly manner. He showed the interdependence of disciplines such as logic, mathematics, natural sciences, metaphysics, politics and ethics, highlighting their development and importance in society. The article analyzes the system of sciences based on the work of Farabi "Ihsa al ulum" and shows its role in the classification of scientific knowledge.

### ФОРОБИЙНИНГ “ИХСО АЛ УЛУМ” АСАРИДА ФАНЛАР ТАСНИФИ

**Т. Бойгазиев**

Шахрисабз давлат педагогика институти катта ўқитувчиси  
Шахрисабз, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Форобий, фанлар классификацияси, илмлар таснифи, мантиқ, метафизика, табиатшунослик, фалсафа, “Ихсо ал улум”, Шарқ мутафаккирлари.

**Анотация:** Ушбу мақолада Абу Наср Форобийнинг фанлар классификацияси тўғрисидаги таълимоти таҳлил қилинади. Форобий илмларни назарий ва амалий йўналишларга бўлиб, уларни тартибли шаклда таснифлаган. У мантиқ, математика, табиатшунослик, метафизика, сиёсат ва ахлоқ каби фанларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиб, уларнинг ривожланиши ва жамиятдаги аҳамиятини ёритиб берган. Мақолада Форобийнинг “Ихсо ал улум” асари асосида фанлар тизими таҳлил қилиниб, унинг илмий билимларни таснифлашдаги роли кўрсатилади.

### КЛАССИФИКАЦИЯ НАУК В ПРОИЗВЕДЕНИИ ФАРАБИ “ИХСО АЛ-УЛУМ”

**Т. Бойгазиев**

*старший преподаватель*

*Шахрисабзского государственного педагогического института*

*Шахрисабз, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Фараби, классификация наук, логика, метафизика, естествознание, философия, "Ихсо аль улум", восточные мыслители.

**Аннотация:** В этой статье анализируется учение Абу Насра Фараби о классификации наук. Фараби разделил науки на теоретические и практические направления, классифицировав их в упорядоченном виде. Он показал взаимозависимость таких дисциплин, как логика, математика, естествознание, метафизика, политика и этика, осветив их развитие и важность в обществе. В статье анализируется система наук, основанная на труде Фараби "Ихсо аль улум", и показана ее роль в классификации научных знаний.

Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккирларидан бир Абу Наср Форобий ўзининг “Ихсо ал улум” асарида илмларнинг келиб чиқиши ва тараққиёти түғрисидаги қарашлари баён этилади. Бу асар фанлар классификациясига бағищланади.

Фан тарихида Платон, Аристотель, кейинчалик Ибн Сино, Ал-Хоразмий, ал-Киндий, ар-Розий янги даврда эса Ф. Бекон, Сен-Симон, Гегель, Огюст Конт ва бошқалар томонидан илгари суринган фанлар таснифи, яъни классификацияси маълум.

Шарқда ўша даврда Аристотель томонидан амалга оширилган фанлар классификацияси машҳур ва кенг тарқалган эди. Маълумки, Аристотель инсон билимларининг ҳамма соҳасини ўз ичига олган фалсафани уч қисмга: назарий, амалий ва ижодий қисмга бўлган[1].

Ўрта аср Шарқида, жумладан Ўрта Осиёда бу классификация ҳар қандай билимни назарий ва амалий қисмга бўлишда анча кенг қўлланиларди. Назарий билим деганда дунёни “соф билиш”, яъни дунёning умумий тузилиши ҳакидаги ақлий билим, амалий билим негизида эса инсоннинг жамият ва оиласидаги хатта-харакатлари түғрисидаги билим тушуниларди.

Хусусан, ўрта аср Шарқининг айрим буюк мутафаккирлари ўзларининг илмлар классификациясини яратдилар. Улар фан тараққиётида прогрессив роль ўйнади. Бу муаммога Форобий, ундан кейин эса Хоразмий ва Ибн Синолар айниқса катта эътибор бердилар.

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Форобий “Китоб ат-тақсил ас саодат” (“Баҳт саодатга эришув ҳақида”) рисоласида барча маълум илмларни назарий ва амалий

(практик) билимларга бўлади. Рисолада у Ўрта асрда кенг тарқалган ва қабул қилинган илмларнинг классификациясини беради.

Бундан ташқари, илмларнинг мукаммал тасниfinи яратишга Форобий ўзининг “Китоб фи ихсо ал улум ва ат таъриф” (“Илмларнинг классификация ва таърифи ҳақидаги китоб”) ёки қисқартириб аталадиган “Ихсо ал улум” асарини бағишилайди. Бу асарида у инсон билимларининг оригинал классификациясини тақдим этибгина қолмасдан, балки ўрта аср илмлари барча соҳалари таърифини ва чуқур таҳлилини ҳам берди[2].

Форобий ўзининг “Ихсо ал улум” асарида фанларни қуйидаги тартибда жойлаштирган:

“Тил ҳақидаги илм” (Илм ал лисон). Бу етти бўлимдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардан:

- грамматика;
- поэтика;
- мантиқ ва математика;
- табиат ва илоҳиёт ҳақидаги илмлар – метафизика;
- шахарларни бошқариш ҳақидаги илм;
- юриспруденция;
- калом.

Абу Наср Форобий фанлар классификациясида биринчи бўлимни тил илмига бағишилар экан, тилнинг миллий характерга эгалигини таъкидлайди, айни пайтда муайян қоидаларнинг ҳар бир тилга таалуқли эканлигини, тилнинг умумий характерли ҳолатлари ва хусусиятлари ҳамда миллий тилларнинг бир-биридан фарқ қиласидан белгилари мавжудлигини кўрсатиб ўтади[3].

Шунингдек, мутафаккир фикрича, тил илми ҳам етти бўлимдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

- 1) якка ва содда сўзлар ҳамда гаплар ҳақидаги илм;
- 2) мураккаб ва қўшма сўзлар ҳамда гаплар ҳақидаги илм
- 3) талаффуз қоидалари ҳақидаги илм;
- 4) тилнинг қонун ва қоидалари ҳақидаги илм
- 5) тўғри ёзиш қоидалари
- 6) тўғри ўқиши қоидалари
- 7) шеър ёзиш илми-поэтика, уч қисмдан: вазн, қофия ва поэзия қоидаларидан иборат.

Тил ҳақидаги фандан кейин келадиган мантиқ илми, Форобийнинг қайд этишича, фикрлаш қонун-қоидалари ҳақидаги фан бўлиб, унинг ёрдамида инсон ўз тафаккурини тарбиялайди, фикрини аниқ, изчил баён қилиш, муҳокама жараёнида мантиқий хатоларга йўл қўймаслик имкониятига эга бўлади. У мантиқни фикрлар грамматикаси сифатида олиб қараб, мантиқий категорияларнинг умуминсоний характеристерини таъкидлаб ўтади. Шуниси эътиборлики, мантиқий категорияларни Форобий тил воситалари, ифодалари, шакллари билан узвий алоқада таҳлил қиласди, билимларнинг ҳар хил далилини, тахминий, софистик, поэтик турларини уларнинг мантиқий тузилиши нуқтаи назаридан тушунтириб беради.

Мутафаккир объектив дунё, предметларининг миқдор, макон ва бошқа муносабатларини ўрганувчи математикани етти мустақил фанга: арифметика, геометрия, механика, аналитика ҳамда юлдузлар, мусиқа ва оғирлик ҳақидаги фанларга бўлиб, уларнинг предмети ва аҳамиятини бирма-бир тавсифлаб беради[4].

Шунингдек, Форобий бу илмларни келтириб чиқарган сабабларга қуйидагича таъриф берган: “Билки, (оламда) субстанция (жавҳар) ва акциденция (жавҳар бўлмаган, ораз) ҳамда субстанция, акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир”[5].

Буюк аллома наздида, субстанциянинг биринчи хусусияти чексиз бўлакларга бўлинишидир, яъни унинг бўлакларини ташкил этувчи предмет ва ҳодисалар чексиздир, демак, субстанцияга биринчи навбатда миқдор хосдир. Шунинг учун миқдор билан шуғулланувчи фан илмлар системасида бошлангич ўринни эгаллаб, арифметика деб аталади.

“Сон (миқдор) ҳақидаги фан, - деб ёзади Форобий, - бу субстанциянинг турли қисмларини бир-бирига қўшиш, бир-бирларидан ажратиш, уларни қўпайтириш ва бўлиш, уларнинг пропорцияларини топиш (ва шунга ўхшаш процеслар) тўғрисидаги фандир”[6].

Мутафаккир фикрича, субстанция бўлинар экан, бу бўлаклар маълум шакл ва фигурага, бурчак ва томонларга, баланд ва пастлик ҳамда катта-кичикликка эга бўлди. Шунинг учун ҳам арифметикадан сўнг субстанция бўлакларини ўлчаш эҳтиёжи туғилиши натижасида ўлчов тўғрисидаги фан, яъни геометрия вужудга келади. Сўнг субстанциянинг турли ҳаракатларини бир-бирлари билан солиштириб ўрганишга қаратилган осмон жисмларининг ҳаракати ҳақидаги астрономия фани вужудга келади ва у арфметика билан геометрияга асосланади.

Субстанция ҳаракатда экан, у маълум овозларга эга бўлади, бу овозлар паст-баландлиги, узун-қисқалиги билан фарқ қиласди. Натижада бу овозларни ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлиб, бунинг маҳсули сифатида мусиқа фани вужудга келади.

Бу илм шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-автори мувозанатни йўқотган бўлса, тартибга келтиради, камол топмаганларни камолатга етказади ва мувозанатда бўлганларнинг мувозанатини сақлайди. Бу фан танинг соғлиги учун ҳам фойдалидир, чунки, тан касалга учраса, рух ҳам сўлийди, ожизлашади, тан қийинчиликка учраса, рух ҳам азобга учрайди. Шу сабабли танинг даволаниши рухни даволаш орқали амалга оширилади, овозларнинг таъсири остида рухий қувватлар ўз субстанциясига мослашади ва тартибга, мувозанатга келади.

Аллома фикрича, юқорида санаб ўтилган арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа илмлари тарбияловчи илмлар гурухини ташкил қилиб, сўнгги илмларни ўрганишнинг йўл-йўриклиарини белгилаб беради.

Илмларнинг барча соҳалари билан шуғулланган Форобий, табиатшунослик илми ҳақида ҳам ўз-фикр мулоҳазаларини билдириб ўтган. Табиат тўғрисидаги бу илм педагогик илмларга нисбатан бой ва кенгдир. Бу илм энг кенг илм бўлиб, ўзидан олдин келувчи илмларга муҳтождир. Ўз фазилатлари ва ўрганиш тартиби жиҳатидан, хусусан, прогностика ва медицинани алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Олдинги илмларни эгалламай туриб, ҳеч ким бу илмларга ёндаша олмайди ва уларни тўлиқ ўргана олмайди.

Форобий наздида, нарсаларнинг табиий ҳолати ва уларнинг турли қисмлари орасидаги ўзаро муносабатига мувофиқ келадиган сунъий предметларни яратиш мақсадида уларнинг ҳолатини ўрганиш тўғрисидаги илмни – механика деб атайди.

Аллома илоҳиёт ҳақида тўхталар экан, куп холларда Аристотелнинг “Метафизикаси”ни “Моба ат табиий” яни табиатдан юкори, устун турган нарсаларни урганувчи фан деб курсатади.

Буюк юртдошимиз Ф. Бэкондан анча олдин, X асрдаёқ билиш назарий оқилоналиқ босқичи билан тугамаслигини, балки бу жараён борлиқнинг чин моҳияти бўлган Ҳакни (Худони) билиш билангина ўз ниҳоясига етишини уқтирган. Айни шу илм, унинг талқинига кўра метафизика бўлиб, у “барча илмларнинг якуни ва охиридир. Ундан сўнг бирор нарсани текширишнинг зарурати қолмайди, бу ҳар кандай тадқиқотнинг мақсадидирки, бундай тадқиқот кишини осойишталик ҳолатига келтиради”[7].

Форобий талқинида “Метафизика – жисм бўлмаган ва жисм таркибиға кирмаган нарсаларни ҳамда бошқа илмлар ўрганадиган нарсаларнинг энг сўнгги сабабларини ўрганиш билан шуғулланади”[8].

Буюк аллома шаҳар ҳақидаги илм – “илми мадания” (ёки шаҳарни бошқариш ҳақида, яъни сиёсий илм) ҳуқуқшунослик ва қалом (мусулмон ақоиди) ҳақида тўхталар экан, у ахлоқ, тарбия ва давлатни бошқариш масалалари, уларнинг хусусиятлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Бу бўлимда Форобийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ўз ифодасини топган.

Абу Наср Форобий, Аристотелдан фарқли ўлароқ, метафизикани моҳият тўғрисидаги фан сифатида охирги ўринлардан бирига – тил ҳақида фан, мантиқ, математика ва табиий фанлардан кейин қўйди. Бунда у мазкур конкрет фанларни ўрганиш фалсафани тушуниб етиш учун асос вазифасини ўтайди, деган фикрга таянади.

Умуман олганда, Форобий классификациясининг энг муҳим аҳамияти шундаки, биринчидан, у материянинг, предмет ва ҳодисаларнинг ҳамда субстанциянинг хусусиятларига асосланади, яъни ҳар бир фан тармоғи субстанциянинг маълум объектив хусусиятини ўрганади, акс эттиради.

Иккинчидан, фанлар субстанциянинг соддадан мураккабга қараб ривожланиши асосида классификация қилинади, яъни фанлар тартиби соддадан мураккабга, пастдан юқорига қараб бориш принципига асосланади. Турли илмлар инсон ҳоҳишига боғлиқ ҳолда бирданига пайдо бўлиб қолмаган, уларни ҳеч ким ўзича ўйлаб топмаган ҳам. Фанлар предмет ва ҳодисаларни ўрганиш, билишга бўлган эҳтиёжнинг келиб чиқиши ва бу эҳтиёжнинг кучайиши натижасида аста-секин маълум қонуний тартибда вужудга келгандир.

Учинчидан, фан тармоқлари ўзаро боғлиқ ҳолда олинади ва улар бир-бирларини инкор этмайди, балки тўлдиради, яъни турли фанлар бир бутун субстанциянинг барча томонлари ҳақида бутун бир билим беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, Абу Наср Форобийнинг фанлар таснифи ҳақидаги таълимоти Ўрта аср илмий тафаккурининг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. У илмларни назарий ва амалий йўналишларга ажратиб, фанларнинг ўзаро боғликлиги ва ривожланишини мантиқий асослаб берган. Форобийнинг “Иҳсо ал улум” асари замонавий илмларни таснифлашда муҳим илмий-фалсафий асос сифатида хизмат қиласди. Унинг фанлар тизими ҳақидаги қарашлари ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, илмий билимларни тартибга солиш ва ривожлантиришда катта роль ўйнайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Қаранг: Бахадиров Р.М. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. Т.: “Академия” 2000, 39-41 б.

2. Қаранг: Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.:Ўзбекистон 1971, 175-176 б.
3. Қаранг: Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.:Ўзбекистон 1971, 179-б.
4. Қаранг: Аль-Фараби. Избранные трактаты. А.: “Гылым” 1994, 48-57 б.
5. Абу Наср Форобий. Рисолалар. Т.: Фан, 1975. 50-б.
6. Қаранг: Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 174-175 бетлар.
7. Қаранг: Ш.Қаҳхорова. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. Т.: “Тафаккур” нашриёти. 2009. 98-б.
8. Абу Наср Форобий. Рисолалар. Т.: Фан, 1975. 39-б.
9. Аль-Фараби. О разуме и науке. –Алма-Ата, 1975.с.104.
10. Тулкин, Бойгазиев. "Форобий фалсафасида билимларнинг турларга ажратилиши." Философия и право 25.2 (2023): 150-154.
11. Boygaziyev, T., and A. Ochilov. "ABU NASR FOROBIYNING BOSHLANG‘ICH BILIMLAR HAQIDAGI QARASHLARI." Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 3.5 (2023): 39-43.
12. Pardayev, Ismatullayevich, and Tulqin Boygaziyev Inatullayevich. "Views of Abu Nasr Farabi on the Interaction Between the Human Spirit and the Body." JournalNX 7.04: 374-376.
13. Boygaziyev, Tulqin. "Форобийнинг ақл, билиш ва илм ҳақидаги таълимоти (таҳлил ва талқин)." Молодые ученые 2.17 (2024): 23-27.